

## ИЖТИМОЙ ТАРМОҚЛАР ОРҚАЛИ СОДИР ЭТИЛАЁТГАН ЖИНОЯТЛАРГА ҚАРШИ КУРАШИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ

**Таштемиров Анвар Алиқулович,**  
Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси,  
Маъмурий ҳуқуқ кафедраси катта ўқитувчиси.  
E-mail: anvartoshtemirov 05031979@gmail.com.

**Аннотация:** Мақолада ижтимоий тармоқлар орқали содир этилаётган жиноятларнинг бугунги кундаги ҳолати назарий, ҳуқуқий жиҳатдан таҳлил қилиниб, криминалистик, тезкор-қидирув ва криминологик соҳа мутахассислари томонидан билдирилган фикрлар асосида ушбу жиноятларга қарши курашиш фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича тавсиялар берилган.

**Калит сўзлар.** Ижтимоий тармоқлар орқали содир этилган жиноятлар, кибержиноят, киберфирибгарлик, ижтимоий тармоқ, ахборот макони, банк пластик картаси, электрон манзил.

## МЕРЫ БОРЬБЫ С ПРЕСТУПЛЕНИЯМИ, СОВЕРШАЕМЫМИ ЧЕРЕЗ СОЦИАЛЬНЫЕ СЕТИ

**Таштемиров Анвар Аликулович,**  
Старший преподаватель кафедры административного  
права, Академии МВД Республики Узбекистан.  
E-mail: anvartoshtemirov05031979@gmail.com.

**Аннотация.** В статье анализируется современное состояние преступлений, совершаемых посредством социальных сетей, с теоретической, правовой точки зрения, и на основе мнений, высказанных специалистами криминалистической, следственной и криминологической областей, даются рекомендации по дальнейшему совершенствованию деятельности по борьбе с этими преступлениями.

**Ключевые слова.** Преступления, совершенные через социальные сети, киберпреступление, кибермошенничество, социальная сеть, информационное пространство, банковская пластиковая карта, электронный адрес.



## MEASURES TO COMBAT CRIMES COMMITTED THROUGH SOCIAL NETWORKS

**Tashtemirov Anvar Alikulovich,**

*Senior Lecturer of the Department of Administrative Law,  
Academy of the Ministry of Internal Affairs of the Republic of Uzbekistan.  
E-mail: anvartoshtemirov05031979@gmail.com*

**Annotation.** *The article analyzes the current state of crimes committed through social networks from a theoretical, legal point of view, and based on the opinions expressed by experts in the forensic, investigative and criminological fields, recommendations are made for further improvement of activities to combat these crimes.*

**Keywords.** *Crimes committed through social networks, cybercrime, cyber fraud, social network, information space, bank plastic card, email address.*


Мамлакатимизни демократик янгилашнинг бугунги босқичдаги энг муҳим йўналишларидан бири бу - қонун устуворлиги ва қонунийликни мустаҳкамлаш, шахс ҳуқуқи ва манфаатларини ишончли ҳимоя қилишга қаратилган. Ҳар бир фуқаро Конституция ва Қонунларга сўзсиз риоя қилиши демократиянинг асосий тамойилларидан ҳисобланади. Қонунларга ҳурмат, унга сўзсиз амал қилиш, аввало ҳуқуқий маданият даражасига боғлиқ.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев - “Биз “Адолат – қонун устуворлигида” деган тамойил асосида жамиятимизда қонунга ҳурмат, ҳуқуқбузарлик ҳолатларига муросасизлик ҳиссини кучайтиришга қаратилган ишларимизни жадал давом эттирамиз”[1]- деб таъкидлаб, мазкур йўналишдаги вазифалар нақадар долзарблигини кўрсатиб берди.

Кейинги йилларда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш бўйича фаолиятни мувофиқлаштиришнинг таъсирчан тизимини яратиш, қонун бузилишларининг олдини олиш ва уларни бартараф этишнинг замонавий ташкилий-ҳуқуқий механизмлари жорий этилиб жиноятчиликка қарши курашиш фақат ҳуқуқ тартибот органларининг эмас, балки кенг жамоатчиликнинг вазифаси эканлиги белгилаб берилди.

Ўзбекистон Республикасининг “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги Қонуни [2] ушбу йўналишда амалга оширилаётган ишларни янги босқичга олиб чиқди. Мазкур қонун ҳуқуқбузарликларни келтириб чиқарадиган сабабларни ҳамда ҳуқуқбузарликлар содир этилишига имкон берадиган





шароитларни аниқлашга, уларни бартараф этиш чораларини амалга оширишга қаратилган умумий, махсус, яқка тартибдаги ва виктимологик профилактикани ташкил этиш ҳамда амалга ошириш борасидаги ишларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишга қаратилганлиги билан аҳамиятлидир.

Сўнги вақтларда, янги турдаги ҳуқуқбузарлик сифатида тобора авж олиб бораётган “Ижтимоий тармоқларидан фойдаланиб” содир этилаётган ҳуқуқбузарликларнинг сабаблари ва уларга имкон берган шарт-шароитларни аниқлаш ҳамда уларни бартараф этиш бугунги куннинг долзарб масалаларидан бири айланиб бормоқда.

Дунёда кибержиноятчиликнинг тобора хавфли тусиб олиб, кунига 200 мингдан ортиқ содир этилаётганлиги, мазкур жиноятлар оқибатида жисмоний ва юридик шахсларга 500 млрд.га яқин мулкӣ зарар етказилаётганлиги, Juniper Research томонидан ўтказилган тадқиқотларда, ижтимоий тармоқларидан фойдаланиб содир этилган жиноятлар ҳар ойда 10-15% га ортиб бораётганлиги, халқаро миқёсда ушбу жиноятларга қарши курашишнинг долзарблигидан далолат беради. Юқоридаги фактлардан кўриниб турибдики, бугунги кунда интернет тармоғида содир этиладиган ҳуқуқбузарликларнинг шахс ва жамият учун кўп сиқдорда моддий зарар етказиши билан бошқа турдаги ҳуқуқбузарликлардан фарқланади.

Бугунги кунда таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, мамлакатимизда интернет тармоқларидан фойдаланиб асосан “ўғирлик”, “фирибгарлик”, “туҳмат”, “ҳақорат”, “товламачилик” каби ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши кузатилмоқда.

Айрим ривожланган мамлакатларда эса, “Ўзини ўзи ўлдириш даражасига етказиш”, “Ўзини ўзи ўлдиришга ундаш”, “Хат-ёзишмалар, телефонда сўзлашув, телеграф хабарлари ёки бошқа хабарларнинг сир сақланиши тартибини бузиш”, “Урушни тарғиб қилиш”, “Фарзандликка олиш сирини ошкор қилиш”, “Порнографик маҳсулотни тайёрлаш, олиб кириш, тарқатиш, реклама қилиш, намойиш этиш”, “Зўравонликни ёки шафқатсизликни тарғиб қилувчи маҳсулотни тайёрлаш, олиб кириш, тарқатиш, реклама қилиш, намойиш этиш” ва бошқа шунга ўхшаш жиноятларнинг ҳам ижтимоий тармоғи орқали содир этилаётганлиги аниқланган.

Шу боисдан, келгусида бу каби жиноятларни содир этилишини олдини олиш юзасидан интернет орқали содир этиладиган барча турдаги жиноятларнинг олдини олиш, уларнинг содир этилиши сабаблари ва имкон берган шарт-шароитларни ўз вақтида аниқлаш ҳамда бартараф этиш чора-



тадбирларини ишлаб чиқиш ҳамда бу жараёнда замонавий шакл ва усулларни ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади.

Айни шу масала доирасида, тадқиқотчилар Ш.Х. Қушбоқов ва З.М. Охуновлар ўзларининг илмий изланишларидан келиб чиқиб, қуйидаги фикрни билдириб ўтганлар: “Ҳуққбузарликлар профилактикаси самарадорлиги уларда татбиқ этилган махсус дастур ҳамда лойиҳаларга бевосита боғлиқдир. “Қўшнилар назорати (neighborhood watch)”, “Жиноятчиликни тўхтатамиз (crimes toppers)”, “Ташқи муҳитни ташкил этиш орқали ҳуққбузарликлар профилактикаси дастури (Crimeprevention throughen vironment design (broken window) (Ҳуққбузарликлар профилактикасини ташқи муҳитдан кузатув остига олиш (синиқ ойналар)”, “Safety City (Хавфсиз шаҳар)” каби дастурлар шулар жумласидан бўлиб, бугунги кунда амалиётда ижобий натижалар бериб келаётганлигини кузатиш мумкин” [3]. Бундан кўринадики, хорижий мамлакатларнинг тажрибасини ўрганиш, уларда ҳуққни муҳофаза қилиш органлари, хусусан, ички ишлар органлари томонидан ижтимоий тармоқларидан фойдаланиб содир этиладиган ҳуққбузарликларнинг олдини олишдаги энг замонавий ва мамлакатимизга мос бўлган усулларини ўрганиш ҳамда амалиётга татбиқ этиш лозим.

Ижтимоий тармоқларидан фойдаланиб содир этиладиган ҳуққбузарликларнинг барвақт профилактикасини амалга оширишда фақатгина ҳуққни муҳофаза қилувчи ёки ички ишлар органлари эмас балки барча ташкилотлар, муассасалар, жамоатчилик тузилмалари ҳам иштирок этишлари лозим.

Республикаимизда ижтимоий тармоқлардан фойдаланиб содир этиладиган ҳуққбузарликларга қарши курашиш фаолиятини амалга оширувчи ҲМҚО фаолиятини мувофиқлаштириш ва ушбу фаолиятни ҳуққий жиҳатдан таъминлаш мақсадида қабул қилинган “Киберхавфсизлик тўғрисида”ги Қонун[4] бугунги кунда мазкур йўналишдаги ишлар самарадорлигини таъминлаш борасида катта аҳамият касб этмоқда.

Мазкур қонуннинг 11-моддасига асосан, Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати киберхавфсизлик соҳасидаги ваколатли давлат органи ҳисобланиб, қуйидагилар органнинг киберхавфсизлик соҳасидаги ваколатлари жумласига киритилган:

- киберхавфсизлик соҳасидаги норматив-ҳуққий ҳужжатларни ва давлат дастурларини ишлаб чиқиш;
- киберхавфсизлик тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатларининг ижро этилиши устидан назоратни амалга ошириш;





- киберхавфсизлик ҳодисалари юзасидан тезкор-қидирув тадбирларини, терговга қадар текширувларни ва тергов ҳаракатларини амалга ошириш;

- киберхавфсизлик ҳодисаларининг олдини олиш, уларни аниқлаш ва бартараф этиш ҳамда уларга нисбатан тегишли чора-тадбирларни, шу жумладан уларнинг оқибатларини тугатиш бўйича ташкилий-техник чора-тадбирларни кўриш ва бошқалар.

Киберхавфсизлик соҳасида халқаро ҳамкорликни амалга ошириш ва кибертаҳдидларга қарши курашиш бўйича умумий ёндашувларни ишлаб чиқиш, кибержиноятчилик бўйича тергов ҳаракатларини олиб бориш ҳамда кибержиноятчиликнинг олдини олиш борасидаги саъй-ҳаракатларни бирлаштириш, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг кибермаконидан террорчилик, экстремистик ва бошқа қонунга хилоф фаолиятда фойдаланилишига йўл қўймаслик чораларини кўриш.

Бундан ташқари Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати киберхавфсизлик соҳасида:

- киберхужумларни аниқлаш, уларнинг олдини олиш ва оқибатларини бартараф этиш;

- киберхавфсизлик ҳодисаларига нисбатан чоралар кўриш учун мўлжалланган техник, дастурий ва аппарат-дастурий воситаларни ижарага олиш;

- киберхужумларга барҳам бериш бўйича кечиктириб бўлмайдиган чоралар кўриш учун техник қурилмалар ва хизматлардан текин фойдаланиш;

- киберхавфсизликни таъминлаш бўйича ишчи органни ташкил этиш, шунингдек ўз ваколатларининг бир қисмини унга ўтказиш;

- киберхавфсизлик субъектларига киберхавфсизликка таҳдид солувчи ҳуқуқбузарликлар содир этилишига имкон берган сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этиш тўғрисида бажарилиши мажбурий бўлган тақдимномалар ҳамда кўрсатмалар киритиш каби ҳуқуқларга эга.

Ижтимоий тармоқлардан фойдаланиб содир этиладиган ҳуқуқбузарликларнинг барвақт профилактикасини амалга оширишда ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг барча субъектлари фаолиятини мувофиқлаштириш ва улар ўртасидаги узвий ҳамкорликни таъминлаш механизмини яратиш зарурати туғилмоқда. Бу эса ижтимоий тармоқларидан фойдаланиб содир этиладиган ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олишда муҳим аҳамият касб этади.

Ушбу ҳамкорлик аввало, жойларда аҳоли билан тўғридан тўғри мулоқотга киришувчи, уларнинг дарди ва муаммоларини эшитувчи, бир сўз билан



айтганда, халқ хизматидаги давлат вакили сифатида фаолият юритиб келаётган ИИОларининг профилактика хизмати ходимлари билан бўладиган ҳамкорликдир. Уларнинг оддий халқ билан яқин мулоқоти, ташвиқот ва тарғибот ишлари мазкур муаммонинг ечимини топишда катта аҳамиятга эга ҳисобланади. Шунингдек, ушбу жинойтга мойил шахслар билан амалга ошириладиган профилактик таъсир чоралари ҳам айнан ушбу соҳа вакиллари томонидан амалга оширилиши тегишли қонунчиликда белгилаб ўтилган. Бундан маълум бўладики, ижтимоий тармоқлардан фойдаланиб содир этиладиган ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасини амалга оширишда ИИОлари ходимлари томонидан қонуний талаблар қўйилиши ва унинг ижросини таъминлаши тегишли норматив ҳужжатлар билан мустаҳкамлаб қўйилган. Шу каби фикрлар тадқиқотчи А.А. Насиллоев томонидан ҳам баён этилган, жумладан: “Жамият хавфсизлигини таъминлаш, жамоат тартибини сақлаш ҳамда қонун устуворлигини мустаҳкамлашда ички ишлар органлари алоҳида аҳамиятга эга. Ички ишлар органлари ходимининг қонуний талаби барча фуқаро ва мансабдор шахслар томонидан бажарилиши шарт ҳисобланади. Фуқароларнинг давлат органлари, хусусан ички ишлар органлари олдидаги ўз мажбуриятларини бажармасликлари эса маъмурий ва ёки жиноий жавобгарликка тортилишларига сабаб бўлади” [5].

Ижтимоий тармоқларидан фойдаланиб содир этиладиган ҳуқуқбузарликлар профилактикасини ташкил этишда ҳуқуқбузарликларнинг турлари ва уларнинг чора-тадбирларига алоҳида эътибор қаратган ҳолда манзилли йўналтириш алоҳида ўринга эга.

Мазкур жараёнда, тадқиқотчи Г.А. Мирсалихова томонидан билдирилган куйидаги фикрлар эътиборга молик, яъни: “... ҳар бир жамиятда тарбиясида нуқсонга эга, ёки бошқа салбий хусусиятга эга ташқи таъсирлар натижасида ҳаётда ўз ўрнини топишга қийналаётган ва шу сабаб ўзи билиб, билмай жинойт оламига тушиб қолаётган ёшларнинг ҳам борлиги ҳали бу борада соҳа вакиллари олдида амалга оширилиши лозим бўлган яна бир қатор вазифалар борлигини кўрсатиб бермоқда” [6].

Таъкидлаш жоизки, ижтимоий тармоқларидан фойдаланиб содир этиладиган ҳуқуқбузарликларда фақатгина бу хатти-ҳаракатнинг асосан жиноий-ҳуқуқий тарафлари ўрганилиб, уларни олдини олиш чоралари кўрилади, ижтимоий орқали содир этиладиган ҳуқуқбузарликларнинг барвақт профилактикасини ташкил этиш ва амалга оширишда эса маъмурий ҳуқуқбузарликлар ҳам жинойтларга олиб келувчи сабаб ва шарт-шароитларни аниқлаш ҳамда уларни бартараф этишга қаратилади.



Ҳозирги кунда банк пластик карталаридаги пулларни номаълум шахслар томонидан ғайриқонуний равишда қўлга киритишда ифодаланган ижтимоий фирибгарлик ва ижтимоий ўғрилиқ жиноятлари асосий мавзулардан бирига айланиб бориб жамиятга жуда катта хавф келтириб чиқариб турли хил усулларда содир этилаётганлигини кузатиш мумкин.

Ижтимоий тармоқлар орқали содир этиладиган ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўйича амалга ошириладиган чора-тадбирлар сифатида:

*биринчидан*, шахсларнинг молиявий ёки юридик шахсларнинг бирламчи бухгалтерия ҳужжатлари маълумотларини масофавий узатиш бўйича хавфсизлик даражаси мустақкам бўлган тизимлардан фойдаланиш;

*иккинчидан*, интернет тармоғидан молиявий масалалар бўйича кенг фойдаланувчи хусусий ташкилотлар билан уларнинг ҳимоя тизимини мустақкамлаш бўйича кенг ҳамкорликни йўлга қўйиш;

*учинчидан*, фойдаланувчиларга тақдим этилаётган дастурий таъминотнинг ҳимоя тизимини янада мустақкамлаш;

*тўртинчидан*, ишчи станция ва унинг дастурий таъминотидан қонунга хилоф равишда фойдаланишдан ҳимоя қилувчи пароллар тизимини мукаммаллаштириш;

*бешинчидан*, юридик ташкилотларда махфийлик режими ва хавфсизлик чораларини мустақкамлашга эътиборни кучайтириш;

*олтинчидан*, фуқаролар томонидан молиявий масалаларни ҳал этишга қаратилган дастурий иловалардан фойдаланишда хавфсизликка риоя этиш талабларини тушунтириш, бу бўйича тарғибот ишларини кучайтириш.

*еттинчидан*, ижтимоий тармоқлар орқали тез бойиб кетишни тарғиб қилувчи ҳар қандай фирибгарликдан фуқароларнинг ҳимояланиш иммунитетини ошириш;

*саккизинчидан*, ҳар қандай ҳолатда ижтимоий тармоқ орқали кечадиган маълумот алмашинув жараёнида шахсий, молиявий ёки ёлғон (тасдиқланмаган манбага эга) ахборотларни алмашинуви бўйича ўз-ўзини ҳимоялаш кўникмасини шакллантириш.

Хулоса сифатида айтиш мумкинки, бугунги кунда айрим шахсларнинг энгил даромад олишга бўлган хулқи, бефарқ ва ишонувчанлиги, шунингдек, ижтимоий тармоқдан фойдаланиб жиноят содир этилганда жиноятчини жабрланувчидан узоқлиги, жиноятни ўз вақтида тўхтатишни имкон даражаси пастлиги, жиноятчининг интернет тармоғидан фойдаланиб ҳуқуқбузарлик содир этганида “ҳеч ким билмайди” ёки “осонроқ” деб ўйлаб унда озодлик хиссини юзага келтириши натижасида ҳуқуқбузарликлар содир этилишига олиб



келмоқда. Айниқса, ижтимоий тармоқлар орқали содир этилаётган ҳуқуқбузарликларнинг салмоғини “фирибгарлик” жиноятлари ташкил этаётганлигини инобатга олган ҳолда уларнинг олдини олишнинг энг самарали усулларини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш бугунги куннинг долзарб масалаларидан бири ҳисобланади.

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. [https://parliament.gov.uz/uz/events/other/19088/?sphrase\\_id=8009224](https://parliament.gov.uz/uz/events/other/19088/?sphrase_id=8009224).
2. Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14 майдаги “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги 371-сонли Қонуни. Электрон манба: <https://lex.uz/docs/11145>. Мурожаат вақти: 10.10.2023.
3. Охунов З., Қушбоқов Ш. Талабалар томонидан содир этиладиган ҳуқуқбузарликларни олдини олишга оид айрим мулоҳазалар //Eurasian Journal of Law, Finance and Applied Sciences. – 2022. – Т. 2. – №. 11. – С. 34-39.
4. Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 15 апрелдаги “Киберхавфсизлик тўғрисида”ги Қонуни. ЎРҚ-764-сон. Электрон манба: <https://lex.uz/docs/11145>. Мурожаат вақти: 30.09.2022.
5. Насиллоев А. Ички ишлар органи ходимининг қонуний талабларини бажармаслик ҳуқуқбузарлиги учун жавобгарликнинг назарий жиҳатлари //Eurasian Journal of Law, Finance and Applied Sciences. – 2022. – Т. 2. – №. 11. – С. 27-33.
6. Мирсалихова Г. А. Ривожланган хорижий давлатларда вояга етмаганлар томонидан содир этиладиган жиноятчиликка қарши курашишнинг тартибга солиниши //So‘ngi ilmiy tadqiqotlar nazariyasi. – 2023. – Т. 1. – №. 6. – С. 5-15.

